ЎТИШ ДАВРИ ҚАҲРАМОНИНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ УЙҒОНИШИ МАСАЛАСИ

К.Шаҳобов

Мақолада ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикояси мисолида ўтиш даври муаммоларининг бадиий асарда акс эттирилиши масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *ўтиш даври, ҳикоя, табиат тасвири, руҳият таҳлили.*

В статье рассматриваются вопросы интерпретации проблем переходного периода в художественной литературе на примере рассказа Шукура Холмирзаева «Солнце-то все странствует на небесах» (“Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди”).

Ключевые слова: *переходный период, рассказ, пейзаж, психологический анализ.*

On the basis of the short story 'But the Sun is walking in the sky' by Shukur Kholmirzayev the author tries to depict the problems facing the transition period and their reflection in the literary works.

***Key words**: transition period, story, description of nature, spiritual analysis.*

Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир қатор ҳикояларида ўтиш даврининг турли хил ижтимоий-маънавий ҳамда руҳий муаммолари бадиий таҳлил қилинган. "Хорун ар-Рашид", "Қиш ҳангомаси", "Ҳайкал", "Озодлик", "Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди" кабилар ана шундай ҳикоялар жумласига киради. Кўп ҳолларда Шукур Холмирзаев қаҳрамонлари ўтиш даврининг муаммоларини муҳокама қиладилар. Шунингдек, жамиятдаги турли табақа кишилари характеридаги ички ва ташқи ўзгаришлар муаллиф учун асосий тасвир объекти саналади. "Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди" ҳикоясида эса асосий диққат-эътибор ўтиш даври муаммолари қаршисида бир қадар карахтланиб қолган, руҳий тушкунликдаги қаҳрамоннинг маънавий-руҳий қайта уйғониши масаласига қаратилади.

Маънавий уйғониш масаласи ёзувчининг ўтиш давридан аввалги айрим ҳикояларида ҳам кўтарилган. Жумладан, "Бодом қишда гуллади" ҳикоясидаги ақлий ривожланишдан ортда қолган, йигит ёшида ҳам ёш бола тафаккури даражасида фикрлайдиган қаҳрамон амалиётчи қиз – Хуббижамолга бўлган муҳаббати таъсирида маънан қайта уйғонади. Ушбу ҳикояда маиший ҳаёт фонида берилган воқеа ижтимоий характернинг эмас, алоҳида шахснинг, индивиднинг руҳий эврилишлари сифатида тасвирланади.

"Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди" ҳикоясининг қаҳрамонини ҳам, унинг учун одатдан ташқари бўлса-да, маиший муносабатлар муҳитида – тоғдаги меҳмонхонада яшаётган пайтида учратамиз. Мазкур ҳикояда ҳам "Бодом қишда гуллади" ҳикоясидаги каби ривоя ҳикоячи-қаҳрамон тилидан олиб борилади. Ҳар икки ҳикоядаги ҳикоячи ҳам ижод кишиси – бирида ёзувчи, иккинчисида шоир. Фақат фарқ шундаки, "Бодом қишда гуллади"даги ёзувчи, яъни ҳикоячи-қаҳрамон бош қаҳрамон (Носиржон) даги ўзгаришлар жараёнини кузатади, таҳлил қилади. "Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди" ҳикоясида эса ривоя субъекти ҳам, кузатилиб, таҳлил қилинаётган қаҳрамон ҳам битта – шоир, яъни ҳикоячининг ўзидир. Шунга кўра асарда қўйилган ижтимоий проблематиканинг доираси ҳам кенгроқ – ҳикоя қаҳрамони Қудрат ўтиш даври ўзгаришларини нафақат бошқа кишилардаги, балки ўз руҳияти, тафаккуридаги акс-садосини ҳам ижтимоий фаол нуқтаи назардан кузатиб, таҳлил қилади.

Қудрат кўп ўқиб-ўрганган, зиёли одам сифатида жамиятдаги ўзгаришларни жуда чуқур англайди. Ижтимоий-маънавий муаммоларнинг аста-секин ҳал бўлиши ҳикоя давомида бир неча қайта айтилса-да, қаҳрамондаги руҳий тушкунлик ошкора сезилиб туради. "Социализмнинг барбод бўлганига ачинмайман, – деб мулоҳаза юритади асар қаҳрамони. – Бироқ у билан бирга менинг ҳам нималаримдир барбод бўлганига аминман: мен инонган қадриятлар пучга чиқди...

Гўёки бугунги кунгача беҳуда яшаган эканман... Биламан: инсон нимагадир интилиб яшайди, акс ҳолда ўлади. Чамаси, менинг Тошкентда ишдан бўшаб, туғилган юртга улоқиб келишим ҳам ана ўша нимагадир интилиш, ҳечқурса яшаб қолиш, балки яшашдан маъно топиш мақсадида эди" [1.226].

Ҳикоя қаҳрамонининг ҳолатида қарама-қаршиликлар кўп, улардан энг бўртиб кўринадигани унинг ақли айтаётганига кўнгли ишонмаётгани, жамиятдаги айни ҳолатнинг ўтиб кетишига ишонч ҳақидаги мулоҳазалари билан ҳис қилаётганлари, руҳий тушкунлиги ўртасидаги зиддиятдир.

Асарда жуда оддий воқеа ҳикоя қилинади: шаҳардан ишдан бўшаб қишлоққа келган Қудрат дўсти, хўжалик раҳбари Мисирбойнинг таклифи билан тоғдаги меҳмонхонада яшаяпти, у, асосан, тоғ манзарасини кузатиб вақт ўтказади. Шунчаки бир айланиб келиш учун Мисирбойнинг шофёри билан район марказига йўл олади, почтахонага кириб хотинига телефон қилади. Аслида телефон қилишни олдиндан ният қилмаган Қудрат бу ишни ҳам шунчаки нимадир қилиш учун қилади. Шундан кейин йўлдаги қишлоққа ташлаб ўтишларини сўраган ёшгина аёл билан ортга қайтишади. Қайтишда ана шу аёл (ҳикоячи уни "қиз-жувон" деб атайди – К.Ш.) таъсирида қаҳрамонда нимадир ўзгариш содир бўлади. Ҳикоячи ўзидаги ўзгариш жараёнининг ҳар бир нуқтасини изоҳлаб, таҳлил қилиб борадики, ёзувчининг ҳикояга ижод кишисини бош қаҳрамон қилиб олганлиги ҳар тарафлама ўзини оқлаган.

Ҳикоя композицияси ёзувчи бадиий ниятини ифодалаши нуқтаи назаридан икки қисмга ажратилган: меҳмонхонадан чиқиб почтахонага бориш, Тошкентга қўнғироқ қилишгача биринчи қисмни ташкил қилса, иккинчи қисм почтадан бегона аёл билан қайтишдаги воқеалардан иборат. Бир қарашда ҳикоянинг ғоявий-бадиий мазмунини очиш асосан иккинчи қисмга юклатилгандек кўринади. Аслида эса бундай эмас. Биринчи қисмда ҳикоя қилинганлар, аввало, қаҳрамонни иккинчи қисмдаги ўзгариш жараёнига тайёрлаш вазифасини ўтайди. Қудрат табиатни томоша қилатуриб ўзи унутган нарсаларни қайта топгандек бўлади. Табиатнинг ўзгармас қонуниятлар билан ҳамиша яшаш ва ўзгаришда экани, атрофдаги манзаранинг гўзаллиги (қушлар, капа-

лаклар) қаҳрамонни тушкун кайфиятдан бутунлай чалғита олмайди, лекин оз бўлса-да унга болалик ва ўспиринлик вақтидаги завқини қайтаради. Иккинчи қисмда эса гулхан ёруғида ҳамроҳ аёлнинг гўзаллигидан завқланиш Қудратни эртакдаги Зумрадни излаган болалик, ўсмирлик даврига қайтаради, кўнгли ўша пайтлардаги каби яшаш, севиш истаги билан тўлади. Юксак туйғулар таъсирига тушиб қолган қаҳрамон беихтиёр хаёлан шундай хитоб қилади: “Зумраднинг менга ўзи билмай ҳадя этаётган завқи бугунги капалагу булбуллару жиблажибонларнинг берган завқидан кам эмас, ортиқ бўлса ортиқдир!”

Албатта, биринчи қисмнинг вазифаси шу билан чегараланмайди. Қаҳрамоннинг биринчи қисмда берилган жамият ва инсон ҳақидаги ўй-мулоҳазалари иккинчи қисмдаги вазият орқали синовдан ўтади. Шу сабабдан ҳикояни биринчи ўқишда эътиборсиз қолдирилган деталь ва тафсилотлар қайта ўқишда кўп нарса “айта бошлайди”. Ёзувчи ҳикоя композициясини атай шу тарзда қурганига шубҳа қилмаймиз. Бир ўринда тафсилотларга берилган ҳикоячи тилидан “Ўтинаман: ҳаяжонланиб кетиб, асосий мақсаддан чалғияпман, лекин бу изоҳлар ҳам керак” дейилиши ҳам фикримизнинг исботидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳикояда муаллиф диққат марказида турган нарса қаҳрамоннинг маънавий-руҳий уйғониши масаласидир. Гарчи ҳикоячи тилидан бу уйғониш тунда ҳамроҳ бўлган аёлнинг гўзаллиги ва унинг ҳаётга ўзига хос нуқтаи назари таъсирида содир бўлгани таъкидланса-да, композицион тафаккур орқали ифодаланган муаллиф нуқтаи назари бизни бошқачароқ ўйлашга ундайди. Назаримизда, ҳамроҳ аёл, унинг фикр-қарашлари Қудратдаги ўзгаришга бир туртки бўлади. Ўзгаришнинг асл илдизи эса ижтимоий-маънавий, руҳий муаммоларига жавоб излаётган шахснинг характер кучи, шахсда мавжуд бўлган маънавий-руҳий қудрат билан боғлиқ. Қаҳрамоннинг исми ҳам ана шу ички куч-қувватга ишора қилади, албатта.

Тоғдаги кимсасиз камарда Қудрат билан чиройли, ёш аёл ўртасида нимадир бўлиши керак эди, аёлнинг ўзи ҳам шунга мойил эди. Бироқ, юқорида айтганимиздек, бу вазият қаҳрамоннинг жамиятда қадрсизланган маънавият ҳақидаги мушоҳадалари унинг ўзи учун қанчалик қимматли эканини синовдан ўтказадиган бир вазиятга айланади.

Район марказига, почтага бораётиб Қудрат ўзини қийнаган муаммолар ҳақида ўйлаб кетади: “Еб, ичиб, боринг-ки, туғдириб, ухлайдиганлар замони келгандай: ҳолбуки, бу иш – фақат жонли жониворларга хосдир. Ахир бизлар – одам...

Бунинг устига, “маданий одам” дейишади бизни...ям!” [1.230]

Бу мулоҳазалар қаҳрамоннинг, асосан, бошқалар ҳақидаги мулоҳазалари эди. Ёзувчи қаҳрамонини шундай бир вазиятга солдики, у қанчалик “маданий одам” эканини ўзи учун исботлаб олиши керак бўлди.

Қаҳрамон бу синовдан муваффақиятли ўтади: Қудрат ва “қиз-жувон”нинг учрашуви стихияли туйғулар таъсиридаги эркак ва аёлнинггина эмас, аста-секин бир-бирига таъмасиз, икки ҳамфикр инсоннинг учрашувига, суҳбатига айланиб боради: “Ишонасизми-йўқми, энди у мен учун қизлигини-аёллигини йўқотган, аниқроғи, унга нисбатан дилнинг пинҳон гўшаларида бош кўтариб турган ҳалигидай ҳислар ҳам ғойиб бўлган эди” [1.248].

Мана шу жараённинг ўзи қаҳрамондаги маънавий-руҳий уйғониш жараёни эди. Қудрат бозор муносабатлари шароитида жамиятда маънавиятнинг қадрсизлангани, кишилар ўртасида одамгарчилик, самимий ва беғараз муносабатларнинг камайиб бораётгани туфайли руҳан тушкунликка берилган эди. Тунда тоғдаги камарда, гулхан ёнида “қиз-жувон” билан ўтказилган вақт давомида қаҳрамон маънавиятнинг қадр-қимматини ўзи учун исботлаб олди. Бунинг натижасида қаҳрамон руҳида рўй берган ўзгаришлар қуйидагича тасвирланади: “...Тонг ёришавериб, қишлоққа етдик!

...Мен ҳолдан тойган эдим: уйқусизлик, йўл азоби... Лекин руҳим тетик, кайфият юксак, тағин бир кунлар ухламасам ва йўл боссам мумкиндек эди”.

Ҳикоя давомида қаҳрамон руҳияти таҳлилини беришда табиат тасвири ҳам муҳим бадиий юк ташийди: тушкунлик ва руҳан тетикланиш тун ва тонг зидлигида берилади.

Юқоридаги мулоҳазаларимиз “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикояси Шукур Холмирзаевга хос реалистик услубни, ёзувчи маҳоратини бор бўйича кўрсата олган асар экани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Холмирзаев Ш. Сайланма. Ҳикоялар. II жилд. – Т.: Шарқ. 2005.
2. Холмирзаев Ш. Сайланма. Ҳикоялар. I жилд. – Т.: Шарқ. 2003.
3. Холмирзаева С. Қайтмас дамлар. – Т.: DIZAYN-PRESS, 2013.

Андижон давлат университети
2014 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)